

## Спорт соҳасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

**I. “Беш ташаббус олимпиадаси”** доирасида 2023 йилда ўтказилган оммавий спорт мусобақаларида **6,4 млн** ёшлар қамраб олинди ҳамда спорт билан шуғулланишга **жалб қилинган аҳоли** улуши **24 фоиздан 27 фоизга** етказилди.

Спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган ҳамда олис ва чекка ҳудудларда жойлашган маҳаллаларда **449 та** намунавий спорт майдончалари барпо этилди.

**II. “Беш босқичли”** оммавий спорт мусобақаларидан қарийб **12 минг** нафар иқтидорли ёшлар **селекция** қилиниб, **спорт мактабларига** доимий шуғулланиш учун **йўналтирилди** ва мактаблардаги **қамров 370 минг** нафарга етказилди.

Ҳар бир спорт мактаби спорт турларига ихтисослаштирилиб, улардаги эҳтиёж асосида **89 турдаги 47 млрд** сўмлик **спорт инвентар** ва **жиҳозлари, 29 турдаги** тиббиёт асбоб-ускуналари ва **42,4 мингта** спорт экипировкалари етказиб берилди.

Олимпия ва паралимпия марказларида миллий терма жамоаларга спортчи етказиб бериш кўрсаткичи 2022 йилдаги **21 фоиздан 30 фоизга** оширилишига эришилди.

**III.** Ёшлар ва спорт соҳасини **рақамлаштириш орқали** тизимда **инсон омили** аралашувини қисқартириш ва **шаффофликни таъминлашга** қаратилган **жами 24 та** лойиҳа ишлаб чиқилиб, улардан **20 таси** ишга туширилди.

Хусусан, **“Спорт тадбирлари АТ”, “Спорт қурилиш-таъмирлаш” “Инвентар ва жиҳозлар”, “Спорт таълими ва селекция”, “Хизматлар назорати”, “Кадрлар мониторинги”, “Спорт таълим муассасалари рейтинги”, “Молия-ҳисобот ва таҳлил”, “Давлат хизматлари ва сертификатлаш”** каби ахборот тизимлари.

**IV.** Олимпия шаҳарчасида Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталари, спорт турлари бўйича федерациялар иштирокида **ҳар бир объект ва хоналар бирма-бир кўриб чиқилди** ва жойлашув тақсимооти келишиб олинди.

Шунингдек, **2025 йилги** ёшлар ўртасидаги **Осиё ва Пара Осиё ўйинларига тайёргарлик** кўрилмоқда.

Олимпия шаҳарчасида **давлат-хусусий шериклик** асосида **600 ўринли ётоқхона** барпо этиш бўйича ташаббускорлар аниқланмоқда ва **Спорт тиббиёти илмий-амалий маркази** учун бино-иншоотларни барпо этиш **инвестиция дастурига** киритилди. Ушбу чора-тадбирлар **2024 йилда** амалга оширилиши таъминланади.

Шу билан бирга, Олимпия шаҳарчаси ҳудудида **аҳоли учун кўнгилочар спорт объектлари** ва **хизмат кўрсатиш тизимини яратиш** мақсадида **50 дан ортиқ лойиҳа таклифлари** тайёрланди.

**V. Халқаро ва комплекс мусобақалар**да Ўзбекистон спортчилари томонидан **836 та** медаллар қўлга киритилди.

**2023 йил июль-август** ойларида **“Универсиада ўйинлари”**, августда **“МДХ ўйинлари”** ва **сентябрь-октябрь** ойларида **ёзги Осиё ва Пара Осиё ўйинлари** бўлиб ўтди.

**Осиё ўйинлари**да спортчиларимиз **20 та** спорт туридан **жами 71 та (22 та олтин, 18 та кумуш, 31 та бронза)** медал қўлга киритиб, Ўзбекистоннинг Осиё ўйинларидаги **рекордини** янгилади.

**Осиё ўйинлари** тарихида Ўзбекистон спорт делегацияси **илк бор қиличбозлик** спорт турининг **сабля** йўналишида аёллар жамоавий дастури ва **дзюдо** аёллар ўртасида **олтин, аёллар кураши** ва **бокси** бўйича **бронза** медаллари қўлга киритишди.

**Футбол** бўйича **эркаклар** жамоаси **29 йилдан** сўнг **бронза, ўқ отиш** спорт турининг **аралаш жамоавий** дастурида спортчиларимиз **25 йилдан** сўнг **кумуш, каратэ WKF** спорт турида **17 йилдан** сўнг **олтин** медалларига эга чиқишди.

Худди шундай, **Параосиё ўйинлари** тарихида Ўзбекистон спорт делегацияси биринчи марта **пара каноэ, пара академик эшкак эшиш, пара таэквондо, пара велоспорт** ва **пара шахмат** каби спорт турларидан мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришди.

Биргина **пара каноэ** бўйича иштирок этган **6 нафар** спортчимизнинг барчаси **олтин медални** қўлга киритди ва бу билан **Пара Осиё ўйинлари рекордини** ўрнатди.

Вазирлар Маҳкамасининг **“Хива шаҳрида халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 2023 йил 12 июндаги **240-сон** қарорига асосан, 2023 йил **7–10 сентябрь** кунлари Хива шаҳридаги **“Ичан Қалъа”** мажмуасида **Халқаро Этноспорт фестивали** ташкил этилди.

**2023 йил 12–17 ноябрь** кунлари **илк бор Бутунжаҳон бокс кенгашининг (WBC) йиллик конвенцияси** ўтказилиб, унда дунёнинг **100 га яқин** мамлакатидан делегатлар иштирок этди.

**VI. 2024 йил** Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **спорт соҳасида қиймати 460 млрд** сўм бўлган **жами 42 та**, шундан, **26 та** янги қурилиш, **14 та** реконструкция қилиш ва **2 та** мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан:

— жойлардаги **12 та футбол академияларида 4 та** янги қурилиш, **6 та** реконструкция ва **2 та** мукаммал таъмирлаш;

— **10 та Олимпия марказларида 7 та** янги қурилиш, **3 та** реконструкция;

- 8 та спорт мактабларида 6 та янги қурилиш, 2 та реконструкция;
- 3 та кураш маҳорати спорт мактабларини барпо этиш;
- 9 та республика миқёсидаги спорт ташкилотларида 4 та янги қурилиш, 4 та реконструкция ва 1 та мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.